

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 27.06.2017.К.05.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**ОХУНОВ ИСРОИЛЖОН ИСЛОМОВИЧ**

***CRAMBE KOTSCHYANA, C. ORIENTALIS, DIPHYCHOCARPUS  
STRICTUS VA CONVULVULUS KRAUSEANUS*  
ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ АЛКАЛОИДЛАРИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси****Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)****Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Охунов Исроилжон Исломович</b>	
<i>Crambe Kotschyana</i> , <i>C. orientalis</i> , <i>Dipthychocarpus strictus</i> ва	5
<i>Convolvulus Krauseanus</i> ўсимликларининг алкалоидлари.....	
<b>Охунов Исроилжон Исломович</b>	
Алкалоиды растений <i>Crambe Kotschyana</i> , <i>C. orientalis</i> ,	
<i>Dipthychocarpus strictus</i> и <i>Convolvulus Krauseanus</i> .....	23
<b>Okhunov Isroiljon Islomovich</b>	
The alkaloids of plants <i>Crambe Kotschyana</i> ., <i>C. orientalis</i> ,	43
<i>Dipthychocarpus strictus</i> and <i>Convolvulus Krauseanus</i> .....	
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b>	
Список опубликованных работ	46
List of published works.....	

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 27.06.2017.К.05.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**ОХУНОВ ИСРОИЛЖОН ИСЛОМОВИЧ**

***CRAMBE KOTSCHYANA, C. ORIENTALIS, DIPHYCHOCARPUS  
STRICTUS VA CONVULVULUS KRAUSEANUS*  
ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ АЛКАЛОИДЛАРИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/К42 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Арипова Салимахон Фазиловна**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаев Шавкат Вахидович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Абдулладжанова Нодира Гуломжановна**  
кимё фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент фармацевтика институти**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги PhD 27.06.2017.К.05.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўч., 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс : (99873) 244 44 91).

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўч., 19. Тел.: (99873) 244-44-02, факс : (99873) 244-44-91, e-mail: [alijon.ibragimov.48@mail.ru](mailto:alijon.ibragimov.48@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Х. Хаитбаев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси, к.ф.д.

**М. Ахмадалиев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.ф.н. доцент

**В.У. Хўжаев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инсон саломатлигига хавф соладиган касалликларни даволашда 3000 дан ортиқ табиий воситалар ишлатилади ва уларнинг 35% ни ўсимлик хом ашёлари ташкил этади. Бу ўринда, олтингугурт сақловчи ва тропан алкалоидларини тиббиётда қўлланилиш спектрини кенглиги уларни сақловчи ўсимлик хом ашёлари асосида янги дори препаратлари ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Шунга кўра, олтингугурт сақловчи ва тропан алкалоидлари тутувчи ўсимлик турларини аниқлаш, фармакологик хусусиятларини асослаш ва самарадор дори воситалари яратиш долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳондаги замонавий фармацевтика саноати табиий янги биологик фаол моддаларга эга ва фармакологик самарадор ўсимлик хом ашёларини ишлаб чиқаришга жалб этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Айниқса, олтингугурт сақловчи ва тропан алкалоидлари тутувчи ўсимлик хом ашё ресурсларини камлиги, алкалоидларини ажратиб олишнинг мураккаблиги ва айниқса улар асосидаги биологик фаол модда тутувчи янги препаратларнинг озлиги олтингугурт сақловчи ва тропан алкалоидлари тутувчи янги ўсимлик турларини излаш ва кимёвий, спектрал, фармакологик хусусиятларини аниқлашни тақозо этмоқда. Бу ўринда *Crambe L.*, *Dipthychocarpus* ва *Convolvulus* туркуми вакилларида кўп миқдорда олтингугурт сақловчи ва тропан алкалоидларини мавжудлиги, табиатда етарлича ресурсларининг тарқалганлиги ва кам заҳарлилиги улардан янги ва самарадор доривор препаратлар ишлаб чиқишга имкон беради. Шунга кўра, олтингугурт сақловчи ва тропан алкалоидлари тутувчи *Crambe L.*, *Dipthychocarpus* ва *Convolvulus* туркуми турларини аниқлаш, улардан юқори физиологик фаолликка эга бирикмаларни ажратиб олиш, тузилишини асослаш ва самарали доривор воситаларни яратиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамиз мустақилликка эришгач, доривор ўсимликлардан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш ва импорт ўрнини босувчи маҳаллий табиий дори воситаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян ютуқларга, жумладан, индол табиатли алкалоид сақловчи ўсимликлардан асослар ажратиб олиш, алкалоидларни синтез қилиш ва касалликларга қарши дори препаратлари ишлаб чиқиш бўйича натижаларга эришилди. Шунингдек, олтингугурт сақловчи ва тропан алкалоидлари тутувчи *Crambe Kotschyana*, *C. orientalis*, *Dipthychocarpus strictus* ва *Convolvulus Krauseanus* ўсимлик хом ашёларини аниқлаш, улардан қалқонсимон без касалликлари ва зарарли микроорганизмларга қарши янги турдаги дори воситалари ишлаб чиқаришга етарлича эътибор қаратилмаган. Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирларида<sup>1</sup> «дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнига

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони.

инновацион технологияларни янада жорий этиш учун илмий-тадқиқот ишлари ўтказилишини ташкил этиш ва дори воситаларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда олтингугурт сақловчи ва тропан алкалоидлари тутувчи янги ўсимлик хом ашёларини аниқлаш, алкалоидларини ажратиш олиш ва улар асосида самарадор маҳаллий дори воситалари яратишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 июлдаги ПҚ – 416-сон «Маҳаллий дори-дармон ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** *Brassicaceae* ва *Convolvulaceae* оиласига мансуб ўсимликларнинг алкалоидларини кимёвий тадқиқ қилиш, фармакологик хоссаларини аниқлаш ва улар асосида янги самарали доривор воситаларни яратиш бўйича бир қатор хорижлик олимлар, жумладан, A. Brok, E.B. Astwood, Roman Kubek, R. McDanell, C.A. Bradfield, M. Wall, D.R.H. Verhoeven, M.N. Preobrazhenskaya, R. Gmelin, H. Pipperger ва бошқалар илмий изланишлар олиб борган. Улар томонидан бутгулдошлар ва печакдошлар оиласига мансуб ўсимликларнинг алкалоидлари таҳлил қилинган. Ажратиш олинган 100 дан ортиқ алкалоидларнинг антибактериал, неврологик хусусиятлари, саратон, яллиғланишга қарши самарали дори воситилар эканлиги келтириб ўтилган.

Республикада мазкур йўналиш ривожига В.М. Маликов, С.Ф. Арипова, С.Т. Акрамов, О. Абдилалимов ва бошқалар катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Улар ўсимликлардан янги ва тузилиши маълум бўлган кўплаб алкалоидлар ажратиш олинган ва фармакологик фаолликлари ўрганилган.

Бироқ, юқоридаги тадқиқотлар *Crambe Kotschyana*, *C. orientalis*, *Dipthychocarpus strictus* ва *Convolvulus Krauseanus* турларининг тропан ва олтингугурт сақловчи алкалоидлари таркиби, уларнинг тузилиши, фармакологик хусусиятлари бўйича тўлиқ маълумотлар бера олмайди. Шунинг учун, *Crambe Kotschyana*, *C. orientalis*, *Dipthychocarpus strictus* ва *Convolvulus Krauseanus* турлари ер устки ва остки қисмлари таркибидаги алкалоидларни ажратиш олиш, идентификациялаш, фармакологик хусусиятларини аниқлаш ва янги дори воситалари ишлаб чиқиш назарий-амалий аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот**

**муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-ФЗ-Т147 «Истикболли дори воситаларнинг манбааси бўлган ўсимликлар алкалоидларининг кимёси» (2007-2011), ФА-Ф7-Т197 «Маҳаллий флорадаги ёввойи ўсимликлар алкалоидларининг кимёси: тузилиши, модификация, синтез ва биологик фаоллиги. Янги доривор препаратлар ва биореактивлар учун асос яратиш» (2012-2016), ФА-А12-Т104 «Янги антигипоксик ва микробларга қарши «Катацин» ва «Консубин» дори воситаларини яратиш ва тиббиётга тадбиқ этиш» (2009-2011), ФА-А11-Т-023 «3та дори воситалари «Консубин», «Крамбинин» ва «Солотек»ларни ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқиш» (2015-2017) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон флорасидаги *Crambe Kotschyana*, *C. orientalis*, маданийлаштирилган *Diphthocarpus strictus* ва *Convolvulus Krauseanus* ўсимликларидан алкалоидлар ажратиш, янги алкалоидларнинг тузилишини исботлаш, юқори фаолликка эга бўлган бирикмаларни аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистонда ўсувчи 4 та тур ўсимликнинг ер устки ва илдиз қисмларини экстракция қилиш ва алкалоидлар йиғиндисини олиш;

турли фракциялардан устунли хроматография ҳамда бошқа усуллар ёрдамида соф ҳолдаги моддаларни ажратиб олиш ва маълум бўлган алкалоидларни идентификация қилиш;

ажратиб олинган моддаларнинг кимёвий, спектрал ва фармакологик хусусиятларини аниқлаш;

янги алкалоидларнинг тузилишини кимёвий ҳамда физик-кимёвий усуллар ёрдамида тасдиқлаш;

«Консубин» дори воситаси учун қўшимча хом ашё сифатида янги ўсимлик манбаасини топиш ва тавсия этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистонда тарқалган *Crambe Kotschyana*, *C. orientalis*, *Diphthocarpus strictus*, *Convolvulus Krauseanus* ўсимликлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** олтингугурт сақловчи ва тропан алкалоидлари ҳамда уларнинг кимёвий тузилиши, кимёвий, физик-кимёвий ҳамда биологик хоссалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда УБ, ИҚ, масс-, <sup>1</sup>Н ЯМР, <sup>13</sup>С ЯМР спектроскопия, хроматомасс, рентген тузилиш таҳлили, колонкали ва юпка қатламли хроматографияси усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда ўсувчи 4 тур: *Crambe* туркумининг икки тури – *C. Kotschyana*, *C. orientalis*, Тошкент ботаника боғида маданийлаштирилган *Diphthocarpus strictus* (Крестгулдошлар) тури ва *Convolvulus* туркумининг бир тури – *C. Krauseanus* дан жами 16 та алкалоидлар идентификация қилинган;

илк бор *C. Kotschyana*, *C. orientalis* ўсимликлардан 2 та янги гоитридин ва крамбаин алкалоидлари ажратиб олинган, уларнинг тузилиши исботланган;

*D. strictus* ўсимлигидан 7 та алкалоид ажратиб олинган, улардан бири мутлоқ янги бўлиб, тузилиши исботланган;

*Convolvulus Krauseanus* ўсимлигидаги филлальбин ва конволидин алкалоидлари ҳамда алкалоидлари йиғиндисининг микроб ва замбуруғларга қарши фаоллик хусусиятлари асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

биринчи марта *C. Kotschyana*, *C. orientalis* ўсимликларининг ер устки қисми, илдизининг таркибидан хроматомасс таҳлили натижасида 19 та бирикма идентификация қилинган;

*Crambe Kotschyana*, *C. orientalis* ўсимликларидан ажратиб олинган алкалоидлар йиғиндисининг антитиреоидал фармакологик хусусияти исботланган ва қалқонсимон беши гормонларининг гиперфункциясини коррекциялаш бўйича ихтиро патенти олинган;

*Convolvulus Krauseanus* ўсимлигининг асосий алкалоидлари йиғиндиси асосида микроблар ва замбуруғларга қарши “Консубин” дори воситаси олиш учун қўшимча янги хом ашё манбалари ишлаб чиқаришга тавсия қилинган

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ажратиб олинган моддаларни тадқиқ қилишда замонавий физик тадқиқот усулларида УБ, ИҚ, <sup>1</sup>H ЯМР, <sup>13</sup>C ЯМР спектроскопия, масс-спектрометрия, рентген тузилиш таҳлили, колонкали ва юпқа қатламли хроматография, сифат реакциялар ва гувоҳ моддалар билан таққослаш усулларида фойдаланилганлиги ҳамда олинган натижалар адабиётдаги маълумотлар билан таққослаб таҳлил қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўсимликлардан янги алкалоидларни ажратиб олинганлиги, *Crambe* туркумининг икки турида – *C. Kotschyana*, *C. orientalis* ҳамда *Convolvulus Krauseanus* алкалоидлари йиғиндиларининг антитиреоид, антигипоксик, гипотензив, яллиғланишга қарши, шунингдек иммунитетни кучайтирувчи фаоллик намоён қилиши аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти *Crambe*, *Diphthycarpus* ва *Convolvulus* туркуми вакилларида янги фаол моддалар ажратиб олиш ва маҳаллий хом ашёлар асосида импорт ўрнини босадиган самарадор табиий дори воситалари ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** *Crambe Kotschyana*, *C. orientalis*, *Diphthycarpus strictus* ва *Convolvulus Krauseanus* ўсимликларининг алкалоидларини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

ўсимликлардан микроб ва замбуруғларга қарши фаолликка эга восита ва уни олиниш усули бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№ IAP 04423, 2011). Натижада «Консубин» препаратини ишлаб чиқаришда *Convolvulus Krauseanus*

ўсимлигидан кўшимча ҳом ашё сифатида фойдаланиш имконини берган;

антиуреидал хусусиятларни намоён қилувчи восита учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№ IAP 04966, 2014). Натижада *Crambe* туркум ўсимликларидан ажратиб олинган алкалоидлар йиғиндисидан қалқонсимон без касалликларини даволашда фойдаланиш имконини берган;

ўсимликлардан ажратиб олинган 12 та алкалоидлар Америка Springer нашриётида чоп этилган «Natural Compounds Alkaloids» алкалоидлар тўплами рўйхатига киритилган (Springer, www.springer.com). Натижада ўсимликлардан янги алкалоидлар ажратиб олиш ва солиштириш асосида ўхшаш алкалоидлар синтез қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси халқаро ва 2 таси маҳаллий журналларда нашр этилган ҳамда, қўлланилган тадқиқот усуллари билан боғлиқ 2 та республика патенти олинган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш асослари келтирилган, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Олтингугурт сақловчи ва тропан алкалоидларнинг умумий хусусияти, таснифи, биосинтези ҳамда тузилишини аниқлаш усуллари**» деб номланган биринчи бобида умумий тушунчалар, ўсимликларнинг олтингугурт сақловчи, тропан алкалоидлари ва бошқа моддалари, *Tulbagia violacea* ўсимлигидан ажратиб олинган алкилтиосульфидлар ҳамда уларнинг ҳосилаларининг хусусиятлари, Бутгулдошлар-*Cruciferae* (*Brassicaceae*) оиласига кирувчи сабзавотлар таркибидаги индол бирикмалари, *Cruciferae* (*Brassicaceae*) оиласи

Ўсимликларининг нортропан ва тропан алкалоидлари, мочевино типидagi олтингугурт сақловчи алкалоидлар ва бошқа олтингугурт сақлаган моддалар биосинтези тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «Олинган натижаларнинг муҳокамаси» деб номланган иккинчи бобида, ўрганилган 4 та тур ўсимликларидан ажратиб олинган алкалоидлар рўйхати, адабиётда маълум бўлган ва янги алкалоидларни ажратиб олиш, тузилишини аниқлаш, уларни идентификацияси, хроматомасс таҳлили ҳамда уларнинг фармакологик хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари натижаларининг муҳокамаси келтирилган.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистонда ўсувчи 4 тур: *Crambe* туркумининг икки тури – *C. Kotschyana* Boiss., *C. orientalis* Butk. et Majlun., Тошкент ботаника боғида маданийлаштирилган *Dipthychocarpus strictus* (Fisch.) Trautv. (Бутгулдошлар) тури ва *Convolvulus Krauseanus* Regel et Schmalh. ўсимликларининг алкалоид таркиби танланган.

Ўрганилган бутгулдошлар оиласига мансуб ўсимликлар асосан олтингугурт сақловчи алкалоидларни, печакдошлар эса тропан алкалоидларни ҳосил қилади.

Натижада 16 та алкалоид ажратиб олинган, улардан 3 таси янги – (гоитридин, крамбаин, дезоксидиптокарпилидин), 13 таси эса адабиётларда ёритилган алкалоидлар эканлиги аниқланган. Хроматомасс-спектрометрия усули ёрдамида ўсимликлар таркибида учрайдиган 19 та бирикма идентификация қилинган. Ажратиб олинган алкалоидлар 1-жадвалда келтирилган.

### 1-жадвал

#### Ўрганилган *Crambe*, *Dipthychocarpus*, *Convolvulus* ўсимлик турларидан ажратиб олинган алкалоидлар

№	Алкалоид номи	Таркиби	Суюқ. харор.°С.	[α], эрит.°С.	Микдор, %	Манба
1	Гоитрин	C <sub>5</sub> H <sub>7</sub> NOS	50	-70,5	15-20	1, 2
2	Гоитридин*	C <sub>5</sub> H <sub>7</sub> NOS	мой	-	5-10	1, 2
3	Крамбаин*	C <sub>9</sub> H <sub>15</sub> NO <sub>2</sub>	мой	-	0,06	1, 2
4	Диптокарпидин	C <sub>15</sub> H <sub>32</sub> N <sub>2</sub> O <sub>2</sub> S	135-136	-70,24	7,4	3
5	Диптокарпаин	C <sub>8</sub> H <sub>18</sub> N <sub>2</sub> O <sub>2</sub> S	124-125	-80,33	7,4	3
6	Диптокарпамин	C <sub>11</sub> H <sub>24</sub> N <sub>2</sub> O <sub>2</sub> S	100-101	-58,21	7,4	3
7	Диптокарпилидин	C <sub>8</sub> H <sub>15</sub> NOS	193-195	-49,23	9,25	3
8	Дезоксидиптокарпаин	C <sub>8</sub> H <sub>18</sub> N <sub>2</sub> O <sub>2</sub> S	118-119	-	6,8	3
9	Диптокарпилин	C <sub>15</sub> H <sub>32</sub> N <sub>2</sub> O <sub>2</sub> S <sub>2</sub>	95-97	-53,24	5,9	3
10	Дезоксидиптокарпилидин*	C <sub>8</sub> H <sub>15</sub> NS	мой	-	13,3	3
11	Конвольвин	C <sub>16</sub> H <sub>21</sub> NO <sub>4</sub>	114-115	-	35	4
12	Конволамин	C <sub>17</sub> H <sub>23</sub> NO <sub>4</sub>	114-115	-	20	4
13	Филлальбин	C <sub>16</sub> H <sub>21</sub> NO <sub>4</sub>	209-210	-	11,6	4
14	Конволидин	C <sub>15</sub> H <sub>19</sub> NO <sub>4</sub>	214-215	-	2,5	4
15	Конвольвидин	C <sub>16</sub> H <sub>21</sub> NO <sub>5</sub>	189-190	-	минор	4
16	Конволицин	C <sub>18</sub> H <sub>23</sub> NO <sub>5</sub>	144-145	-	минор	4

Изох: 1. *Crambe Kotschyana*, 2. *Crambe orientalis*, 3. *Dipthychocarpus strictus*, 4. *Convolvulus Krauseanus*; \* - Янги алкалоидлар.

## ***Crambe Kotschyana* Boiss. ўсимлигининг алкалоидлари ва бошқа компонентлари**

*Crambe* туркум (*Cruciferae* оиласи) ўсимликлари кўп йиллик ўсимликлар бўлиб, уларнинг Марказий Осиё худудида 12 тури маълум. Ўзбекистонда 4 тури: *C. Kotschyana* Boiss., *C. edentula* F., *C. schugnana* Korsh. *C. Gordjadinii* Spryg. et Pol., *C. orientalis* (*C. amabilis*) Butk. et Majlun асосан Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Тошкент, Наманган ва Фарғона вилоятларида учрайди.

*Crambe Kotschyana* Boiss. (қатрон) ўсимлигининг кимёвий таркиби аввал тадқиқ этилмаган. Биринчи марта Ўзбекистонда ўсувчи қатроннинг ер устки ва илдиз қисмларининг алкалоидлари ва бошқа қўйи молекуляр метаболитларни тадқиқот ишлари амалга оширилган, унинг алкалоид сақловчи эканлигини аниқланди.

Жиззах вилоятидан (2009 й апрель ойида) терилган *C. Kotschyana* ўсимлигининг ер устки қисми ўрганилганда, алкалоидлар миқдори 0,2% ни ташкил этиши исботланган.


Ўсимликнинг асосий алкалоидлар йиғиндиси ажратиб олингандан сўнг, н-бутанол ёрдамида қўшимча алкалоидлар йиғиндиси (0,2%) ажратилган.

### **N-(бензимидазоллил-2)-О-этилкарбаматни ажратиб олиниши ва идентификацияси**


Ажратилган алкалоидлар йиғиндисидан хлороформда эримайдиган чўкмани тозаланганда кристалл ҳолида **1**-алкалоид (суяқ. ҳарор. 305-307°C) олинган. Асоснинг ИҚ спектрида >NH гуруҳи (3374 см<sup>-1</sup>), амидли карбонил гуруҳи (1658 см<sup>-1</sup>), (N-CO), ароматик C=C боғлари (1607, 818, 777 см<sup>-1</sup>), CH<sub>2</sub>-, CH<sub>3</sub>- гуруҳларнинг валент ва деформацион тебранишлари (2934, 1416, 1355 см<sup>-1</sup>), C-O- гуруҳига (1081 см<sup>-1</sup>) хос бўлган ютилиш чизиқлари мавжуд. УБ спектрда λ<sub>max</sub> (lgε): 243 (3,76); 251 (3,59); 280 (3,77); 286 (3,85) да ютилиш максимумлари кузатилди.

Олинган алкалоиднинг масс-спектрда m/z 205,1950 да молекуляр ион чўққиси (C<sub>10</sub>H<sub>11</sub>N<sub>3</sub>O<sub>2</sub>) ҳамда m/z 191,05 (25%), 159,02 (100%), 146,06 (12%), 133,04 (43%), 118,03 (8%), 104,02 (22%) фрагмент ионлар намоён бўлди. m/z 191 иони молекуляр иондан битта протонини миграция қилган метил радикалига мос келади. Интенсивлик бўйича иккинчи бўлган m/z 133 иони молекуляр иондан (CH<sub>3</sub>CH<sub>2</sub>-O-C=O)<sup>+</sup> гуруҳи узилишига мос келувчи, 73 м.а.б. тенг. Интенсивлиги пастроқ бўлган бошқа ионлар (m/z 91 (10%), 77 (9%) ва бошқ.) ароматик фрагментларга мос.

Алкалоиднинг ПМР спектрида 4 та сигнал кузатилиб, кучли майдонда (δ 1,01 м.у.) триплет сигналлари намоён бўлди (J=7,2 Гц, 3H) 4,07 м.у.да икки протонли кватрет (J=7,2 Гц) этил гуруҳнинг метилен протонларига таалуқли бўлиши мумкин. Ароматик протонлар соҳасида AA'BB' системанинг иккита мультиплет (7,23 ва 7,10 м.у.) кузатилди. Алкалоид тузилишини яқуний исботи учун ажратиб олинган асос монокристаллининг рентген тузилиш тадқиқоти амалга оширилди.



1



### 1 расм. N-(бензимидазолил-2)-О-этилкарбамат фазовий тузилиши

Спектр маълумотлари ва РТТ хусусиятлари ажратиб олинган асос аввал синтез усулида олинган N-(бензимидазолил-2)-О-этилкарбамат тузилишига эга эканлиги аниқланди.

### Гоитридин тузилиши

*Crambe Kotschyana Boiss.* алкалоидлари йиғиндисини бўлишни давомида хлороформли алкалоидлар йиғиндиси маточниги силикагелли колонкада аввал экстракцион бензин ва хлорформ градиентли аралашмаси, сўнгра хлороформ билан хроматография қилинди. Олинган бензин-хлороформли фракциялардан суюқ ҳолда 2-алкалоид ажратиб олинди. Кейинги фракциялардан иккинчи суюқ 3-алкалоид ажратилди.

Иккала алкалоидларнинг тузилиши ИҚ, масс,  $^1\text{H}$  ва  $\text{C}^{13}$  ЯМР спектрлари ёрдамида ва ўзаро таққослаб аниқланди. 2-алкалоиднинг ИҚ спектрида  $>\text{NH}$  гуруҳи ( $3225\text{ см}^{-1}$ ),  $\text{CH}_2$ -,  $\text{CH}$ -гуруҳларнинг валент ( $3047$ ,  $2895$ ,  $2885\text{ см}^{-1}$ ) ва деформацион тебранишлари ( $988$ ,  $921$ ,  $1416\text{ см}^{-1}$ ),  $\text{C-O}$ -гуруҳи ( $1032\text{ см}^{-1}$ ),  $>\text{N-CS}$ -боғига хос ( $1163\text{ см}^{-1}$ ) ютилиш чизиқлари мавжуд. Масс-спектрида  $m/z$  129 (100 %) молекуляр ион чўккиси, ҳамда  $m/z$  102, 85, 68, 51 фрагмент ионлари мавжуд.

2-Алкалоиднинг  $^1\text{H}$  ва  $\text{C}^{13}$  ЯМР спектрларининг тўлиқ маълумотлари 2-жадвалда келтирилган.

### 2-жадвал


#### 2- ва 3-алкалоидларнинг ЯМР спектрлари кўрсаткичлари (ДМСО, кавсда – ССЎК бўйича протон партнёри, UNITY 400<sup>+</sup>, Varian)

2-алкалоид				3-алкалоид			
Атом	$^{13}\text{C}$	$^1\text{H}$	ССЎК	Атом	$^{13}\text{C}$	$^1\text{H}$	ССЎК
2	159,44			2	118,62		
4c	45,58	3,144	8,9(4t); 6,9(5); 0,9(6); ~0,2	4c	25,85	2,510	16,8(41); 5,9(5); ~0,2(6)
4t		3,593	8,9(4c); 7,8(5); ~0,2(6)	4t		2,602	16,8(4c, 4,8(5)); ~0,2(6)
5	76,51	4,951	7,8(4t); 6,9(4c); 6,5(6); 1,3(7c); 1,2(7t)	5	67,42	4,253	5,9(4c); 4,8(4t); 4,8(6); 1,6(7c); 1,4(7t)
6	135,76	5,881	17,1 (7c); 10,4(7t); 65(5); 0,9(4c); 0,2(4t)	6	139,25	5,808	7,2(7c); 10,5(7t); 4,8(5); 0,2(4c); ~0,2(4t)
7c	118,20	5,314	17,1(6); 1,4(7t); 1,3(5)	7c	115,89	5,261	17,2(6); 1,7(7t); 1,6(5)
7t		5,213	10,4(6); 1,4(7c); 1,2(5)	7t		5,112	10,5(6); 1,7(7c); 1,4(5)
NH		7,228		SH		5,411	

4c, 4t – H-5 протонга нисбатан цис- ва транс-ориентациялар;

7c, 7t – H-6 протонга нисбатан цис- ва транс-ориентациялар.

2-алкалоиднинг ИҚ, масс ва ПМР спектрлар маълумотларига асосланиб 5-винил-оксазолидин-2-тион тузилишли олтингугурт сакловчи гоитрин алкалоиди эканлиги аниқланди. Бу алкалоид адабиётларда карам ўсимлиги туркумининг (*Cruciferae* оиласи) айрим турларида аниқланганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. *Crambe* туркум ўсимликларидан гоитринни ажратиб олиш ва унинг идентификацияси илк мартаба амалга оширилди.



3-Алкалоидни тузилиши спектрал маълумотларини гоитриннинг спектр маълумотлари билан таққослаш ёрдамида тасдиқланган. 3-Алкалоид масс-спектри гоитриннинг спектрига (2) ўхшаш бўлиб,  $m/z$  129 молекуляр ионига ва интенсивлиги билангина фарқланувчи бошқа фрагмент ионларига эга. 3-алкалоиднинг ПМР спектри таққосланганда гоитриннинг спектрига яқинлиги аниқланди. Молекула скелетидаги протон сигналларидаги кескин фарқ фақат Н-4 ва Н-5 протонлари учун хосдир (кучли майдон томон 0,7 – 1,0 м.у. га силжиш). Бу эса юқорида айтилган протонларига таъсир қилувчи ва бундай кучли эффект намоён қилувчи 2 ва 3 атомлардаги силжишнинг бошқача хусусиятга эга эканлигини исботлайди. Гоитрин ПМР спектридаги бир протонли сигнал (7,228 м.у.) NH протонга тегишли бўлиб гоитридин спектрида бу сигнал 5,411 м.у. да намоён бўлган, яъни 1.8 м.у. томон кучли майдонга силжиш намоён бўлган. Бу ҳол 3-асоснинг тузилишида кўрилатган протон NH гуруҳига эмас, балки С-2 ҳолатдаги SH гуруҳга тегишлигини исботлайди.

3-алкалоид  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектри сигналлар табиати ва миқдори бўйича ҳам гоитринни спектрига яқин. Юқоридаги 2-жадвалда 2- ва 3-алкалоидларнинг ДМСОда олинган спектрлари маълумотлари келтирилган. Иккала алкалоидлар спектрлари таққосланганда 3-алкалоиднинг спектридаги сигналлар ҳолатидаги кескин фарқлар асосан С-2 ва С4 углерод атомлари учунгина кузатилиб, гоитринни спектрига нисбатан улар кучли майдон томон тегишли равишда ~ 41 м.у. ва ~ 20 м.у. га силжиган.

Гоитриннинг таутомер изомери бўлган ва гоитридин деб аталган янги 3-алкалоид учун тузилиш 5-винил-4,5-дигидро-оксазол-2-тиол деб белгиланди. Гоитридин *Crambe Kotschyana* ўсимлигининг натив (табиий) алкалоиди эканлиги ўсимликнинг спиртли экстрактида ҳам борлиги билан исботланди.

#### Крамбаин тузилиши

*Crambe Kotschyana* ўсимлигининг алкалоидлари йиғиндисини ўрганиш давомида, хлороформ-метанолли фракциялардан мойсимон 4-алкалоид ажратиб олинди.

4-алкалоиднинг ИҚ спектрида гидроксил гуруҳи ( $3400\text{ cm}^{-1}$ ), амидли


карбонил ( $1641\text{ см}^{-1}$ ),  $-\text{CH}=\text{CH}_2$ - боғига ( $3076, 2930, 2851\text{ см}^{-1}$ ) хос ютилиш чизиқлари мавжуд.  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектрда 9 углерод атомлари хос сигналлар кузатилди. Бу сигналлар инкремент анализ асосида тақсимланди. Энг кучсиз майдондаги сигнал ( $176,18$  м.у.), карбонил углеродига тегишли. Иккита бошқа кучсиз майдондаги сигналлар ( $136,01$  ва  $117,77$  м.у.)  $\text{CH}=\text{CH}_2$ -гуруҳнинг углеродларига тегишли. Протонлар билан ўрин олиш характери DEPT эксперимент ёрдамида тасдиқланган. Қолган 6 сигналлардан бири  $\text{CH}$ -углеродига ( $66,43$  м.у.) тегишли бўлиб, кислородли ўрин олиш учун мос, бошқалари эса - метилен углеродларига тегишли. Кимёвий силжиш кўрсаткичлари энг кичик бўлган иккита сигнал ( $49,73$  ва  $41,70$  м.у.) азот атомига бириккан метилен углеродларига тегишли.

4-Алкалоиднинг ПМР спектрида DEPT эксперименти маълумотларига тўлиқ мос келган умумий ҳолда 14 протонли 8 та яхши кўринувчи сигналлар кузатилди. Сигналлар тақсимланиши ССЎКлар кўриниши COSY эксперимент ва дифференциал кўш резонанс усули ёрдамида амалга оширилди. Натижалар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Крамбаиннинг (4)  $\text{CD}_3\text{OD}$  даги ЯМР спектр маълумотлари (UNITY 400<sup>+</sup>, Varian)

Атомлар	$^{13}\text{C}$ ЯМР (м.у.)	$^1\text{H}$ ЯМР (м.у.)	ССЎК (Гц.)
2	176,18		
3	66,43	4,236 2,080	11.4, 7.2 12.8, 8.8, 8.2, 6.7
4	33,01	2,173 1,550	М 11.3, 9.9, 7.2, 6.7
5	27,82*	2.138	М
6	49,73	3,805	11.5, 8.2, 8.2
		3,453	11.5, 8.8, 3.7
1'	41,70	3,771 3,712	13.5, 7.2 13.5, 7.2
2'	27,78*	2x 2.355	7.2, 7.2, 7.2, 1.6, 1.2
3'	136,01	5,714	17.2, 10.1, 7.2, 7.2
4'	117,77	4,969	17.2, 2.1, 1.6, 1.6
		4,935	10.1, 2.1, 1.2, 1.2



Ажратиб олинган янги алкалоид учун тузилиш N-(бут-1-ен)-3-гидрокси-пиперидин-2-он эканлиги аниқланди ва крамбаин деб номланди.

### С. Kotschyana ўсимлигидан олинган фракцияларини хроматомасс-спектрал таҳлили

Қатроннинг ер устки қисмидан ажратиб олинган хлорформли алкалоидлар йиғиндиси (а) силикагелли колонкада хроматография қилинди.

Ишқорли эритмадан учламчи асослар ажратиб олингандан сўнг этилацетатли (б) ва н-бутаноли (в) ҳамда ишқорий эритмани сувсизлантириб (г) 4 фракция олинди ҳамда уларни хроматомасс-спектрал таҳлил қилинди.

Хроматомасс-спектрал таҳлилида этилацетатли фракцияда 2 та бирикма: – кумаран (2,3-дигидробензофуран) ва 2,4-диметил-тиэтан [ $\text{CH}_3\text{-(CH}_2\text{-CH-S-CH)-CH}_3$ ] аниқланди.

#### 4-жадвал

### *C. Kotschyana* ўсимлигидан олинган фракцияларини хроматомасс-спектрал таҳлили

№	Модда	Ушланиш вақти	Миқдори, %
1.	3-Метилдодекан	7,9	19,13
2.	Тетрадецил йодид	8,90	9,13
3.	5-Винилоксазолидин-2-тион (гоитрин)	17,8	63,42
4.	1,3-Диметоксибутан	8,66	15,37
5.	Пальмитин кислотанинг метил эфири	13,98	9,15
6.	Олеин кислотанинг метил эфири	15,3	36,79
7.	5-Гидроксиметил-2-формилфуран	7,99	14,58
8.	N-Метил-N-аминогептан	15,77	77,89

### *Crambe orientalis* ўсимлиги алкалоидлари ва бошқа компонентлари

*Crambe orientalis* (*C. amabilis*) Butk. et Majlun – шарқий қатрон, кўп йиллик ўт бўлиб, бўйи 30-80 см, ёввойи ҳолда Кавказда ва Ўрта Осиёнинг қуйи ва ўрта тоғ баландликларда ҳамда экинзорларда бегона ўт сифатида ўсади. Кимёвий жиҳатдан *Crambe* туркумининг бу тури кам ўрганилган. Ўсимлик алкалоидлари аввал ўрганилмаганлиги сабабли тадқиқот объекти сифатида Тошкент вилоятидан (Ғазалкент) йиғилган вакили танлаб алкалоидлари ҳамда бошқа қуйи метаболитлари аниқланди.

Вегетация даври якунида (2010 й октябрь) йиғилган ўсимликнинг ер устки қисми ҳамда илдизлари 85% этанол билан экстракция қилинди, тегишли ишловлардан кейин хлороформли алкалоидлар йиғиндиси ажратиб олинди ва қуруқ ўсимлик хом-ашёсига нисбатан, тегишли равишда 0,06% ҳамда 0,064% ни ташкил этди. Хлороформли алкалоидлар йиғиндиси силикагелли колонкада хроматография натижасида бензин-хлороформли элюатлардан 3 та мойсимон гоитрин, гоитридин ва крамбаин алкалоидлари ажратиб олинди. Сўнгра хлороформли йиғинди маточниги хроматомасс-спектрал таҳлил қилинди.

#### 5-жадвал

### *Crambe orientalis* Butk. et Majlun. Фракцияларини хроматомасс-спектрал таҳлили

№	Бирикма	Тузилиши	Ушланиш вақти, мин.
1	1-Бутен-4-изотиоцианат	$\text{H}_2\text{C}=\text{CH}-\text{CH}_2-\text{CH}_2-\text{NCS}$	4,62
2	N-Этил-пирролидон-2	$\text{C}_4\text{H}_6\text{N}-(\text{C}=\text{O})(\text{C}_2\text{H}_5)$	6,26
3	5-Метил-фуран-2-	$\text{C}_4\text{H}_6\text{O}-(\text{CH}_3)(\text{CHO})$	4,33

	карбоксияльдегид		
4	<i>H</i> -Ундекан	$\text{CH}_3-(\text{CH}_2)_9-\text{CH}_3$	6,77
5	2-Метоксигексен-2	$\text{CH}_3-\text{CH}=\text{CH}_2-\text{CH}-(\text{OCH}_3)-\text{CH}_3$	10,83
6	3-Метокси-4-гидрокси-винилбензол	$\text{C}_6\text{H}_5-(\text{OH})(\text{OCH}_3)\text{CH}=\text{CH}_2$	12,17
7	1-(Этилсульфинил)-1,3-бутадиен	$\text{H}_2\text{C}=\text{CH}-\text{CH}=\text{CH}-\text{S}-(\text{O})(\text{C}_2\text{H}_5)$	10,83
8	Метилизоцианат	$\text{CH}_3-\text{NCO}$	4,11
9	5-Изопропилиден-3-гидрокси-4-(2 <sup>1</sup> -пропионил)-2-фуранон	$\text{C}_4\text{H}_2\text{O}-[(\text{CH}_3)_2-\text{C}=(\text{CH}_3)_2-\text{CH}-\text{CH}_2)-(\text{O})(\text{OH})]$	24,07

**Маданийлаштирилган *Dipthychocarpus strictus* (Fisch.) Trautv. алкалоидлари**

*Dipthychocarpus strictus* – бутгулдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўт ўсимлик бўлиб, бўғдойзорларда, йўл бўйларида чўллардан тоғларгача бўлган минтақада учрайди. Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятлари ва Қорақолпоғистонда ўсади. *D. strictus* – *Dipthychocarpus* туркумининг Марказий Осиёдаги ягона вакили саналиб, антигипоксанти хоссага эга N-алкилмочевина ҳосилалари қатори олтингугурт сақловчи алкалоидлар ҳосил қиладиган ўсимликдир.

Аввалги тадқиқотларда бу ўсимликдан қатор олтингугурт сақловчи алкалоидлар ажратиб олинган. Уларни тузилиши мочевина молекуласи билан турли комбинацияларда бирлашган тиометил, сульфоксид, нитрил гуруҳларидан иборат.


Ёввойи *D. strictus* ўсимлигининг алкалоид таркибига маданийлаштиришни таъсирини ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳри Ботаника боғида ўстирилган ўсимликнинг ер устки қисм алкалоидларини тадқиқот ишлари олиб борилди.

Ўсимликнинг гуллаш даврида терилган ер устки қисмини 85% ли этил спирт ёрдамида экстракция натижасида 0,12% миқдорда алкалоидлар йиғиндиси ажратиб олинди ва алюминий оксидли колонкада хроматография қилинди. Бунда бензин-хлороформ (4:1) дастлабки фракцияларидан иккита алкалоиднинг мойсимон аралашмаси ажратиб олинди. Бу аралашма силикигелли колонкада қайта хроматография натижасида бензин-хлороформ (1:1) градиент аралашма билан ювилди ва иккита суюқ ҳолда алкалоид ажратиб олинди. Улардан бири диптокарпилидин (**5**), иккинчиси – янги, адабиётларда келтирилмаган алкалоид (**6**) эканлиги аниқланди.

Ажратиб олинган янги алкалоид– мойсимон, оптик фаолликка эга эмас, ацетон, этилацетат, хлороформ, метанолда яхши эрийди, гексан ва петролей эфирда қийинроқ эрийди. Бирикманинг УБ спектрида 206 нмда ( $\lg \epsilon$  3.05) ютилиш максимуми кузатилди. ИҚ спектрида  $\text{CH}_3$ ,  $\text{CH}_2$ -гуруҳларининг валент ва деформацион тебранишлар ютилиш чизиқлари (2935, 2863, 1462, 1425, 1295  $\text{cm}^{-1}$ ) ҳамда 2244  $\text{cm}^{-1}$  соҳасида нитрил гуруҳига мос ютилиш чизиқлари мавжудлиги кўрилди. Бу ўсимликнинг бошқа алкалоидларидан фарқли ўлароқ спектрида сульфоксид гуруҳининг ютилиш чизиқлари (1020-1050  $\text{cm}^{-1}$ ) аниқланмади. Алкалоиднинг ПМР спектр маълумотларида

молекула таркибида 1,92 м.у.да уч протонли синглет ҳолида S-CH<sub>3</sub>-гурух сигнал мавжуд; 2,72 м.у.даги сигнал (2H, м, J = 6 Гц) CH<sub>2</sub>-S-гурухнинг, 2,39 м.у. даги сигнал N≡C-CH<sub>2</sub>-гурухнинг (2H, т, J = 7 Гц) протонларига тегишли; 1,40 – 1,80 м.у. соҳасида 3та сигнал мавжудлиги: 1,60 (м, 2H, C(2), 1,72 (м, 2H, C(5) ва 1,4 – 1,5 (м, 4H, C(3), C(4) аниқланди.

Ҳар икки алкалоиднинг ПМР спектрлари таққослаш натижасида, диптокарпилидин (5) спектрида 2,57 м.у.да (CH<sub>3</sub>-S → O) – гурухнинг уч протонли синглети, алкалоид-6 спектрида эса бу сигнал диамагнит силжиш орқали ўзгариб 1,92 м.у.да намоён бўлиши кузатилди. Бу ҳолат 6-алкалоидда олтингугурт атомида кислород функцияси йўқлигини исботлайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда алкалоид-6 диптокарпилидиннинг (5) дезоксиҳосиласи деган фикрга келинди. Буни тасдиқлаш учун 6-алкалоид водород пероксид билан оксидланиш раекцияси ўтказилди. Реакция маҳсулоти маълумотлари тўлиқ диптокарпилидинни спектрларига (5) мос келди.



Демак, ажратиб олинган 6-алкалоид 6-тиометилгексилнитрил-1 тузилишига эга.

Алкалоидлар йиғиндиси хроматографияси давомида диптокарпидин, диптокарпаин, диптокарпамин, дезоксидиптокарпаин, диптокарпилин алкалоидлари ажратиб олинди ва идентификация қилинди.


### ***Dipthychocarpus strictus* ўсимлигининг олтингугурт сақловчи алкалоидларининг ЯМР спектрлари**

Маданийлаштирилган *Dipthychocarpus strictus* Trautv. (*Cruciferae*) ўсимлигидан антигипоксик ҳоссаларга эга қатор N-алкилмочевина ҳосилалари бўлган олтингугурт сақловчи алкалоидлар ажратиб олинди.

**6-жадвал**

#### ***Dipthychocarpus strictus* алкалоидлари**

Диптокарпаин (1)	
Дезоксидиптокарпаин (2)	
Диптокарпамин (3)	
Диптокарпидин (4)	
Диптокарпилин (5)	



